

КИБЕР ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ИЖТИМОЙ ХАВФИ

Фарход Ахмедов

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20636121>

Сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган жиноятлар ва уларнинг турлари кескин кўпайиб бормоқда. Айниқса, охириги пайтларда кибер фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг кўпайиб бораётганлиги натижасида кўпгина фуқаролар ушбу турдаги жиноятнинг жабрланувчисига айланмоқда. Масалан, 2025 йилда 14 миллиондан ортиқ киберхужум амалга оширишга уриниш қайд этилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 12 миллионни ташкил этган¹. Кўриниб турибдики, ушбу турдаги жиноятларнинг сони ҳар йили тобора ортиб бормоқда.

Таҳлилларга кўра, дунё бўйлаб ҳар йили 500 миллиондан ортиқ кибер хужумлар уюштирилади. Ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибер маконда содир этилган хужумлар қурбонига айланади. Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Германия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фоизи кибер хужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда бу турдаги жиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, ҳозирда умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етган. Хусусан, ноқонуний банк-молия операциялари орқали ўзгаларнинг пластик картадаги маблағларини ўзлаштириш, зарарли вируслар тарқатиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, диний ақидапарастликка қаратилган ахборот хуружлари, онлайн савдо майдонидаги фирибгарлик жиноятлари кўпайиб бормоқда².

Кибер фирибгарлик ҳолатлари 34 фоизга ошганлигини, барча шикоятларнинг қарийб 35 фоизи тўлов карталаридаги фирибгарлик билан боғлиқлигини алоҳида қайд этиш лозим. Айниқса, фирибгарлик ҳолатлари кўпайишининг асосий сабабларидан бири банк карталаридан фойдаланувчилар сонининг ортиб бораётганлиги, фуқароларнинг аксарияти ундан тўғри фойдаланиш бўйича билим ва малакага эга эмасликлари ҳисобланади. Хусусан, ушбу турдаги жиноятлар йил бошида 40 миллиондан кам бўлган бўлса, ҳозирга келиб 55 миллиондан ошган.

Сўнгги йилларда хакерларнинг веб-сайтларга уюштираётган хужумлари сони тобора ошиб бормоқда. Ўтган асрнинг 60-йилларида “хакер” сўзи компьютер ва ахборот технологияларини пухта билган

¹ ИИВ Кибертаъсирчилик марказининг 2025 йил якунлари бўйича маълумотномаси.

² <https://akadriyad.uz/uz/news/kiber-makonda-sodir-etilayotgan-zhinojatlarga-arshi-kurashish-muammolar-va-echimlar>

инсонларга нисбатан ишлатилган. Бугунги кунга келиб эса бу сўз ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ноқонуний ҳаракатларни бажарувчи, ахборот тизимлари ва дастурларини бузиб кириб, улардан рухсатсиз фойдаланувчи, илова ҳамда веб-саҳифалар муҳофазасини бузиш ва вирус тарқатиш орқали кибер жиноятчилик уюштирадиган шахсга нисбатан ишлатилади.

Бугунги кунда кибер жиноятчиликда муайян шахснинг ёки объектнинг географик жойлашган нуқтаси тўғрисида хабар тарқатиш, шахсий маълумотлар базасини бузиб кириш каби хизматлар оммалашган. Хаккерлар бу каби маълумотларни интернет ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан турли электрон ресурсларга уларнинг фойдаланиш шартларини ўқимасдан туриб киришлари эвазига олишмоқда.

Фирибгарликнинг бу тури ҳар хил усул ва шаклларда содир этилиши билан хавфлидир. Улар орасида энг кенг тарқалгани фишинг, кардинг ва фармингдир. Фишинг “балиқ ови” маъносини билдиради ва банклар, тўлов тизимлари номидан электрон хатлар юборади. Фойдаланувчини банк ва тўлов тизимлари билан бир хил кўринишда бўлган махсус сайтга киришга ундайди ва фойдаланувчи унда шахсий маълумотларини қолдириш орқали киберфирибгар тузоғига тушиши мумкин.

Бугунги кунда кибер фирибгарлик жинояти асосан қуйидаги усулларда содир этилмоқда:

- а) 68 фоизи зарарли ҳаволалар ва дастурлар юбориш орқали банк картаси ёки мобил қурилма бошқарувини қўлга киритиш йўли билан;
- б) 21 фоизи турли алдовлар билан банк картаси ҳамда мобил иловалардаги -аккаунтлар бошқарувини тасдиқловчи SMS кодни қўлга киритиш йўли билан;
- в) 4 фоизи шахс номига онлайн кредит расмийлаштириш орқали;
- г) 15 фоизи онлайн савдо платформаларидаги фирибгарликлар орқали;
- д) 12 фоизи турли усулдаги фирибгарлик схемалари орқали фуқароларнинг пул маблағларини жалб қилиш орқали³.

Таҳлилларга кўра, ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тарқалиши ва реал вақт режимида чексиз ахборот алмашинуви имкониятлари ортиб бориши кибер фирибгарлик жинояти мураккаб трансмиллий муаммога айланиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу эса,

³ <https://encyclopedia.kaspersky.ru/glossary/hash/#:~:text=hash>.

кибермаконда хавфсиз муҳитни яратиш учун инновацион ёндашувлар асосида кибержиноятларга қарши курашиш усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кибер фирибгарлик жиноятларини янги турлари ва шакллари юзага келаётганлиги сабабли унга қарши кураш тизимини такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масала ҳисобланади. Юртимизда ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган кибержиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, кибержиноятлар содир этилишига сабаб бўлаётган муаммоларни тизимли чоралар орқали ҳал қилиш, унга қарши кураш йўналишида ягона ишлаш амалиётини йўлга қўйиш, бу борада барча масъул давлат органлари ва муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги энг кўп қўлланилаётган усуллар бу “Телеграм” мессенжеридagi “Видео сен билан”, “Видеодаги сенми?”, “Ёшликдаги видеоларингни кўриб қолдим” каби номлар остида тарқатилаётган зарарли (.apk) иловалар ва фишинг ҳаволалар орқали содир этилмоқда. Фуқароларга етказилган зарарнинг 67 фоизи айнан (.apk) иловалар орқали келиб чиққан.

Дунёнинг нуфузли тадқиқот марказларида кибер жиноятчиликка қарши курашишнинг назарий ва амалий асосларини концептуал ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Оксфорд университети томонидан тузилган «Жаҳон кибер жиноятчилик индекси»да «асосий нуқталар» аниқланиб, кибертаҳдидларнинг энг йирик манбалари сифатида Россия (58.39), Украина (36.44), Хитой (27.86), АҚШ (25.01)⁴ кўрсатилган. Шу муносабат билан, кибер йўналишида содир этилган жиноятлар бўйича юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш, ушбу тоифадаги жиноятларга қарши самаралироқ механизмларни ишлаб чиқиш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, шунингдек, кибер йўналишида содир этиладиган жиноятлар сонини камайтириш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган ечимларни излаш бўйича тадқиқотлар барча долзарб бўлиб бормоқда.

Кибер фирибгарлик жиноятлари – бу ахборот технологиялари ва интернет тармоқларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятлар бўлиб, уларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги замонавий дунёда

⁴ Miranda Bruce, Jonathan Lusthaus, Ridhi Kashyap Nigel Phair, Federico Varese. Mapping the global geography of cybercrime with the World Cybercrime Index. Published: April 10, 2024. <https://doi.org/10.1371/journal.pone.0297312>

доимий равишда ортиб бормоқда. Уолл (Wall, 2007) кибер жиноятларни “ахборот технологиялари орқали амалга ошириладиган ноқонуний фаолият” деб таърифлайди⁵. Унинг фикрича, кибер жиноятларнинг асосий хусусияти – бу уларнинг трансмиллий хусусияти ва анонимлигидир, бу эса тергов жараёнларини қийинлаштиради.

Кибер фирибгарлик жиноятларининг асосий турлари қуйидагиларни ўз ичига олади: хакерлик, фишинг, шахсий маълумотларни ўғирлаш, зарарли дастурий таъминот (malware) тарқатиш ва киберфирибгарлик. Клаппер (Clapper, 2015) кибер жиноятларнинг иқтисодий ва ижтимоий зарари глобал миқёсда йиллик триллион долларларга баҳоланишини таъкидлайди⁶. Ўзбекистонда эса, расмий статистикага кўра, кибер жиноятлар сони 2015-2025 йиллар орасида 3 бараварга ошган, бу эса ушбу соҳадаги муаммоларнинг долзарблигини кўрсатади⁷.

Фирибгарлар кибермаконда асосан қуйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда жиноятларни содир этишмоқда:

моддий ёрдам, онлайн кредит, ютуқли ўйин ғолиби каби алдовлар билан юборилган сохта ҳавола орқали банк карта махфий кодни қўлга киритиш йўли билан - 34%;

олдиндан тўловларни амалга оширишга эришиб, пулларни қайтармасдан ва келишувни бажармасдан жабрланувчи маблағини қўлга киритиш йўли билан - 22%;

телефон қўнғироқлари давомида ўзини тўлов компанияси (Click ва бошқалар) ёки банк хавфсизлик хизмати ходими деб таништириб, карта рақами ва махфий кодини қўлга киритиш орқали - 17%;

онлайн савдо платформалари орқали карта рақами ва кодининг ошкорлаштирилиши натижасида - 14%;

сохта онлайн молиявий биржалар орқали (Binance ва бошқалар) содир этилгани аниқланган - 9%⁸.

Жиноятчиларнинг замонавий шароитларга (технологиялар, қонунлар ёки улардаги бўшлиқлар) мослашиш қобилияти ҳайратланарлидир. Масалан, минг йиллик бошида сунъий интеллект, рақамли валюта каби тушунчалар фантастикадан ташқари эди. Бироқ,

⁵ Wall, D. (2007). Cybercrime: The Transformation of Crime in the Information Age. Polity Press.

⁶ Clapper, J. (2015). Worldwide Threat Assessment of the US Intelligence Community. Senate Armed Services Committee.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2024 йилги статистик маълумотлар.

⁸ Глётина И.М., Шевчук И.С. Кибержиноятчилик — чегарасиз муаммо // Экономика АПК Предуралья. 2019. № 1. Б. 32.



интернетнинг тарқалиши, банк тизимларига онлайн транзитларни амалга ошириш имкониятининг жорий этилиши дунёнинг исталган нуқтасидан фойдаланиш имконини берганлиги бутун бир қатлам жиноятчиларнинг эътиборини тортди, улар энди “кибер жиноятчилар” деб аталади.

Бир сўз билан айтганда ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилиш даражаси, кўрсаткичлари ва ундан жабрланаётган фуқароларнинг ҳажми тобора ортиб бораётганлиги ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

